

49 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ ابْنُ لَأْبِي طَلْحَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَشْتِكُ، فَخَرَجَ أَبُو طَلْحَةَ، فَمُبِضَ الصَّبِيِّ، فَلَمَّا رَجَعَ أَبُو طَلْحَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَا فَعَلَ ابْنِي؟ قَالَتْ أُمُّ سُلَيْمٍ - وَهِيَ أُمُّ الصَّبِيِّ -: هُوَ أَسْكَنُ مَا كَانَ، فَفَرَّبْتُ إِلَيْهِ الْعِشَاءَ فَتَعَشَى، ثُمَّ أَصَابَ مِنْهَا، فَلَمَّا فَرَّغَ قَالَتْ: وَارُوا الصَّبِيَّ، فَلَمَّا أَصْبَحَ أَبُو طَلْحَةَ أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرَهُ، فَقَالَ: «أَعْرَسْتُمْ اللَّيْلَةَ؟» قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: «اللَّهُمَّ؛ بَارِكْ لَهَا» فَوَلَدَتْ غُلَامًا، فَقَالَ لِي أَبُو طَلْحَةَ: احْمِلْهُ حَتَّى تَأْتِيَ بِهِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَبَعَثْتُ مَعَهُ بِتَمْرَاتٍ، فَقَالَ: «أَمَعَهُ شَيْءٌ؟» قَالَ: نَعَمْ، تَمْرَاتٌ، فَأَخَذَهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَمَضَعَهَا، ثُمَّ أَخَذَهَا مِنْ فِيهِ فَجَعَلَهَا فِي فِي الصَّبِيِّ ثُمَّ حَنَّكَهُ وَسَمَّاهُ عَبْدَ اللَّهِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5470، م 2144/23].

وَفِي رِوَايَةِ الْبُخَارِيِّ: قَالَ ابْنُ عُيَيْنَةَ: فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ: فَرَأَيْتُ تِسْعَةَ أَوْلَادٍ كُلُّهُمْ قَدْ قَرَأَ الْقُرْآنَ، يَعْنِي مِنْ أَوْلَادِ عَبْدِ اللَّهِ الْمُؤَلَّدِ [خ 1301].

وَفِي رِوَايَةِ لِمُسْلِمٍ: مَاتَ ابْنُ لَأْبِي طَلْحَةَ مِنْ أُمِّ سُلَيْمٍ، فَقَالَتْ لِأَهْلِهَا: لَا تُحَدِّثُوا أَبَا طَلْحَةَ بِابْنِهِ حَتَّى أَكُونَ أَنَا أَحَدُهُ، فَجَاءَ فَفَرَّبْتُ إِلَيْهِ عِشَاءً، فَأَكَلَ وَشَرِبَ، ثُمَّ تَصَنَّعَتْ لَهُ أَحْسَنَ مَا كَانَتْ تَصْنَعُ قَبْلَ ذَلِكَ، فَوَقَعَ بِهَا، فَلَمَّا أَنْ رَأَتْ أَنَّهُ قَدْ شَبِعَ وَأَصَابَ مِنْهَا قَالَتْ: يَا أَبَا طَلْحَةَ، أَرَأَيْتَ لَوْ أَنَّ قَوْمًا أَعَارُوا عَارِيَتَهُمْ أَهْلَ بَيْتٍ فَطَلَبُوا عَارِيَتَهُمْ، أَلَمْ أَنْ يَمْنَعُوهُمْ؟ قَالَ: لَا، فَقَالَتْ: فَاحْتَسِبِ ابْنَكَ. قَالَ: فَعَضِبَ، ثُمَّ قَالَ: تَكْتَنِي حَتَّى إِذَا تَلَطَّحْتُ ثُمَّ أَخْبَرْتَنِي بِابْنِي، فَاَنْطَلَقَ حَتَّى أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى

اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرَهُ بِمَا كَانَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بَارَكَ اللَّهُ فِي لَيْتِكُمَا». قَالَ: فَحَمَلْتُ.

قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ وَهِيَ مَعَهُ وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَتَى الْمَدِينَةَ مِنْ سَفَرٍ لَا يَطْرُقُهَا طُرُوقًا، فَدَنَوْا مِنَ الْمَدِينَةِ، فَضَرَبَهَا الْمَخَاضُ، فَاحْتَبَسَ عَلَيْهَا أَبُو طَلْحَةَ، وَانْطَلَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

قَالَ: يَقُولُ أَبُو طَلْحَةَ: إِنَّكَ لَتَعْلَمُ يَا رَبِّ أَنَّهُ يُعْجِبُنِي أَنْ أُخْرَجَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَرَجَ، وَأَدْخَلَ مَعَهُ إِذَا دَخَلَ، وَقَدْ احْتَبَسْتُ بِمَا تَرَى. تَقُولُ أُمُّ سُلَيْمٍ: يَا أَبَا طَلْحَةَ؛ مَا أَجِدُ الَّذِي كُنْتُ أَجِدُ، انْطَلِقْ، فَانْطَلِقْنَا، وَضَرَبَهَا الْمَخَاضُ حِينَ قَدِمَا، فَوَلَدْتُ غُلَامًا. فَقَالَتْ لِي أُمِّي: يَا أَنَسُ؛ لَا يَرْضِعُهُ أَحَدٌ حَتَّى تَغْدُوَ بِهِ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمَّا أَصْبَحَ احْتَمَلْتُهُ فَانْطَلَقْتُ بِهِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ... وَذَكَرَ تَمَامَ الْحَدِيثِ. [2144 في فضائل الصحابة، باب فضائل أبي طلحة الأنصاري رضي الله عنه].

49. Анас розияллоху анхунинг бир бемор ўғли бор эди. Абу Талха (бир иш билан) чиққан эди, бола қабзи руҳ қилинди. Абу Талха розияллоху анху (уйга) қайтгач, «Ўғлим қалай?» деди. Умму Сулайм: «Аввалгидан сокинроқ (бўлиб қолди)», деди. Кейин (аёли) унга кечки таомни келтирган эди, у кечки таомни еди. Сўнгра унга яқинлик қилди. Фориғ бўлгач, аёл: «Болани дафн қил», деди. Тонг отгач, Абу Талха Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотга бор гапни айтиб берди. Шунда у зот: «**Кечаси қовушдингларми?**» дедилар. «Ҳа», деди. «**Аллоҳим, уларга баракот бер**», дедилар. (Аёл) ўғил туғди. Абу Талха менга: «Уни эҳтиёт қилиб Набий соллаллоху алайҳи васалламга олиб бор», деди. Уни Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим. (Умму Сулайм) у

билан бирга бир қанча хурмо бериб юборди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни олдилар ва: «**Унинг бирор нарсаси борми?**» дедилар. «Ҳа, озгина хурмо бор», дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни олиб, чайнадилар. Кейин уни оғизларидан олиб, боланинг оғзига солдилар ва шу билан танглайини кўтардилар. Унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар».

Муттафақун алайҳ.(Бухорий 5470, Муслим 23/2144)

Имом Бухорийнинг ривоятларида Ибн Уйайна айтдилар: Ансорийлардан бўлган бир киши: «Мен тўққизта болаларни кўрдим, уларнинг барчалари Қуръон ўқувчи қорилар эди. Булар ўша Абдуллоҳнинг фарзандлари эди», деб айтди. (*Бухорий 1301*)

Муслимнинг ривоятида:

«Абу Талҳанинг Умму Сулаймдан туғилган ўғли вафот этди. У (Умму Сулайм) ўз аҳлига: «Абу Талҳага ўғли ҳақида мен айтмагунимча айтманглар», деди. У келгач, унга кечки овқатни берди. У еб-ичди. Сўнгра у (Умму Сулайм) ўзига ҳар доимгидан кўра гўзалроқ оройиш берди. Абу Талҳа у билан яқинлик қилди. Умму Сулайм унинг тўйиб, нафси қонганини кўргач, «Эй Абу Талҳа, айтинг-чи, бир қавм бир хонадон аҳлига бир нарсани омонат қолдириб, кейин уни сўраса, хонадон аҳли уни бермасликка ҳаққи борми?» деди. У: «Йўқ», деди. У: «Унда ўғлинг туфайли савоб умид қилгин!» деди. У ғазаб қилиб, «Жимо қилиб бўлгунимча қўйиб бериб, энди ўғлимнинг хабарини айтасанми?» деди. Сўнгра кетди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, бўлиб ўтган ишни у зотга айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳ ўтказган кечангизга барака ато қилсин!**» дедилар.

Шундан сўнг (Умму Сулайм) ҳомиладор бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда эдилар, у (Умму Сулайм) ҳам у зот билан бирга эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафардан қайтиб, Мадинага келсалар, кечаси кириб келмас эдилар. Мадинага яқинлашиб қолишганда уни тўлғоқ тутиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кетдилар, Абу Талҳа унинг ёнида қолди. Абу Талҳа: «Ё Роббим, биласанки, мен Расулинг чиққанда у зот билан бирга чиқишни, кирганларида у зот билан бирга киришни истайман. Аммо Ўзинг кўриб турган нарса туфайли ушланиб қолдим», деди. Умму Сулайм: «Эй Абу Талҳа, юраверайлик, бояги нарса ўтиб кетди», деди. Сўнг улар йўлга тушишди. Мадинага кириб келишганда уни яна тўлғоқ тутиб, ўғил туғди.

Онам менга: «Эй Анас, эрталаб уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб боргунингча уни ҳеч ким эмизмасин!» деди. Тонг отгач, уни кўтариб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим...».

Шарҳ. Ҳадиснинг давомида қуйидаги сўзлар бор...

«Борсам, қўлларида тамға турган экан. Мени кўриб, **«Умму Сулаймнинг кўзи ёрдими дейман?»** дедилар. «Ҳа», дедим. У зот тамғани қўйдилар. Мен болани келтириб, у зотнинг қучоқларига қўйдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинанинг ажвасидан опкелтириб, эригунича оғизларида чайнадилар. Сўнгра уни гўдакнинг оғзига солиб қўйган эдилар, бола уни шима бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ансорларнинг хурмони яхши кўришини қаранглар!»** дедилар. Сўнг унинг юзини силаб, унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар».

Бу ҳадисда Умму Сулаймнинг маноқибии бор. Унда Умму Сулаймнинг ажри улкан бўлиши, Аллоҳнинг қазо ва қадарига рози бўлгани, эри маҳзун бўлмаслиги учун туннинг аввалида фарзанди вафот қилганини эридан яшириб, у билан шаръий қовушиб, эрига нақадар эҳтиром кўрсатган манзара акс эттирилган.

Фарзанднинг ўлими ота-она учун чексиз мусибат экани ҳеч кимга сир эмас. Чунки фарзанд ота-онанинг бир бўлаги, юрагининг парчаси, жигаргўшаси, кўз қувончи бўлади.

Шунинг учун ҳам фарзанди ўлимига сабр қилган ота-оналарга катта ва улғур мартабалар ваъда қилинган.

Мусулмонлар ушбу таълимотларни ўзларига сингдириб олиб, ҳаётларига татбиқ қилганлар. Мусулмонлар фарзанд ўлимига сабр қилишнинг инсоният тарихидаги нодир намуналарини кўрсатганлар.

Бу ҳадисда Пайғамбар алайҳиссаломнинг дуолари ижобат қилиниши, бу билан у зотнинг Аллоҳ наздида нақадар улкан мавқеълари борлиги кўрсатилган.

Имом Нававий ушбу ҳадисда бир неча фойдалар бор, деб айтдилар. Улар:

- Ёш чақалоқни танглайини кўтариш. Бу суннат амал.
- Ўша танглай кўтаришни солиҳ эркак ёки солиҳа аёл амалга ошириши.
- Солиҳларнинг излари ва тупукларидан табаррукона манфаатланиш.
- Танглай кўтаришни хурмо билан бўлиши маҳбуб экани. Агар ундан бошқаси билан бўлса ҳам мақсад ҳосил бўлаверади. Лекин хурмо билан бўлиши афзал.
- Абдуллоҳ деб фарзандга исм қўйиш маҳбуб экани.

- Фарзандга исм қўйишда солиҳ инсонга топшириш маҳбуб экани. Ўша солиҳ киши у рози бўладиган исмни ихтиёр қилиши.

- Туғилган куни болага исм қўйиш жоизлиги. Имом Нававий гаплари шу ерда тугади.

Туғилган фарзандни солиҳ ва хайр эгалари бўлган кишига юбориш маҳбублиги. Эҳтимол ўша солиҳ киши дуо қилиб, у боланинг келажақда дунё ва охират муаммоларидан нажот топишига сабаб бўлар.

Ҳикоя қилинишича, Иброҳим ибн Адҳамнинг отаси ҳомиладор хотини билан ҳажга борди. Маккада Иброҳим туғилди. Отаси ёш гўдакни бир латтага ўраб, гўдак билан бирга зоҳид ва обидларни зиёр қилди. Ва фарзанди учун дуо қилишларини сўради. Эҳтимол ўша солиҳ кишиларнинг дуоסי ижобат бўлгани сабаб Иброҳим ибн Адҳам зоҳидлар қаторидан жой олган бўлишлари мумкин.

Манба: hadis.islom.uz

